

17«11»2022 yil.

121-12-180-ХТ/2022-son

«GRNAD WOODWORKERS» МСНҲ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари У.Юлдашев фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Урганч шаҳар 32-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган давлат мактаб интернати бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан директор С.Курбанов фаолиятини кўрсатувчи, иккинчи томондан қуйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли товарни «Харидор» га мулк қилиб топшириш, «Харидор» эса ушбу товарни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Товар ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида кўрсатилган.

1.3.

№	Маҳсулот турни	Ўл. бир.	Миқдори	Нархи билан ҚҚС	Умумий қиймати ҚҚС билан
1	Ўқувчи стули 1-5 синф	дона	108	170000	18 360 000
2	Скамейка тахтадан, профел металл	дона	14	1500000	21 000 000
3	Стул каркас металл профил	дона	4	190000	760 000
4	Кухетка хамшира хонаси учун	дона	1	900000	900 000
5	Стол хамшира хонаси учун	дона	1	1200000	1 200 000
6	Шкаф хамшира хонаси учун	дона	1	1145000	1 145 000
7	Стол стирални	дона	1	800000	800 000
8	Шкаф гардиروب	дона	3	1200000	3 600 000
9	Стол (Мехнат хонаси учун)	дона	5	500000	2 500 000
10	Кровать 1 болага мужалланган	дона	15	1400000	21 000 000
11	Тумба	дона	50	420000	21 000 000
12	Стул (гарбиячи иш стули)	дона	18	190000	3 420 000
13	Стол (гарбиячи иш столи)	дона	18	900000	16 200 000
14	Кампотер столи	дона	5	985000	4 925 000
15	Парга (машгулот хоаси учун)	дона	15	950000	14 250 000
16	Стул (шашка-шахмат хонсига)	дона	24	190000	4 560 000
17	Стол (шашка-шахмат хонсига)	дона	12	800000	9 600 000
18	Ўқувчи стули 5-11 синф	дона	120	190000	22 800 000
	Жами:				168 020 000

1.4. Товарнинг умумий баҳоси 168 020 000 (Бир юз олтмиш саккиз миллион йигирма минг) сўмни ташкил этади.

1.5. Шартноманинг 168 020 000 (Бир юз олтмиш саккиз миллион йигирма минг) сўми бюджет маблағи ҳисобидан 0,00 сўми бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов қуйидаги тартибда амалга оширилади:

«Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70 фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зяммасига олади.

2.2. Тўлов шакли: Пул Сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. «Харидор» нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.1.2. «Сотувчи» нинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўлаш;

3.1.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.1.4. «Сотувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

3.2. «Сотувчи» нинг ҳуқуқлари:

3.2.1. Зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни, экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

3.2.2. «Харидор» нинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

3.2.3. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи» дан талаб қилишга;

3.2.4. «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Сотувчи» нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган маҳсулотни «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 10 банк иш куни ичида беришга;

4.1.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонуни, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.1.3. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

4.1.4. Тегшли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 иш куни ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.3-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

4.2. «Харидор» мажбурияти:

4.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

4.2.2. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси” тўғрисидаги Қонун, “Фуқаролик кодекси” ва хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

4.2.3. Тегшли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 1 иш куни ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш;

4.2.4. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулот бериш вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

5.2. «Сотувчи» маҳсулотни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги ва тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим;

5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, «Харидор» товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, «Сотувчи»дан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

5.4. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса «Харидор» етишмаётган қисмлар қийматини кўшган ҳолда, «Сотувчи»дан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорда жарима ундиришга ҳақли.

5.5. «Сотувчи» «Харидор»нинг талабини олган пайтдан бошлаб, 15 (ўн беш) кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт.

5.6. Идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегшли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун «Сотувчи» «Харидор»га бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

5.7. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек «Сотувчи» шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Харидор» етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдориди жарима тўлайди.

5.8. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Харидор» «Сотувчи»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

5.9. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КЎШИМЧА ШАРТЛАР

6.1. Тарафлар шартнома тузушда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганида сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилинмасликка келишиб оладилар.

6.2. Тарафларда шартномадаги коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

6.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ, муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатлар амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи дудрагчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

6.4. Тарафлар давлат хизматлари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижровий ўргинлари, мансабдор шахслари ва ходимлари ҳар қандай вақт ва шаклда қуйдаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учунчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қиливчи ўргинлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликлар эга бўлиши ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинмаган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинсий фаолиятдан олинмаган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айланттилиши, ёхуд алмаштирилиши йўли билан унинг келиб чиқиши қонуний тус бериши, бундан пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга; д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат ўргинларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

6.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларига (шу жумладан, ёрдамчи дудрагчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослари, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийк ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

6.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 6.4 ва 6.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

7. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

7.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

8. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

8.2. Тарафлардан бирининг талаби билан хўжалик шартномаси иқтисодий суднинг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини жиддий равишда бузган ёхуд қонунда ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин

9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал қилинади.

9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб 2 нусxada тузилган, ҳамда ушбу шартнома ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан улар газначилик бўлиналарида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради

10.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

11. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«GRNAD WOODWORKERS» МСНҲ	Урганч шаҳар 32-сон иқтисослаштирилган давлат мактаб интернат
Манзил: Урганч туман Юқоридурман қишлоғи Мерган овул МФЙ	Манзил: Урганч шаҳар Мустақиллик куча 31/1-А
Тел: 97-857-00-89	Шхр: 100021860334017092400075002
х\р: 2020 8000 0055 4673 4001	ИНН: 305 277 782 ОКОНХ: 85310
Банк: ТОШКЕНТ Ш., АТ "АЛОҚАБАНК" БОШ ОФИСИ	Молия вазирлиги газначилиги
ИНН: 309 708 305	х\р: 23402000300100001010
МФО: 00401	ХККМ Марказий банк Тошкен шаҳар инн: 201122919 МФО: 00014

М.Ў.  У.Юлдашев

М.Ў.  С.Курбанов

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR
Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	SANJARBEK QURBANOV XUDOYBERGANOVICH
Imzolangan sana	17.11.2022 16:53
Hujjat kodi	WF0748151480
Hulosa kodi	GG6316336251

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GG6316336251

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Shartnoma mebel jihozlari**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: URGANCH SHAHAR 32-SONLI ZAIF ESHITUVCHI BOLALAR UCHUN IXTISOSLASHTIRILGAN DAVLAT MAKTAB-INTERNATI tomonidan 17.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Urganch shahar
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



SH.O.RAZZAQOV

17.11.2022